

## XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

### Навоий вилояти ва худудларнинг ташкил топган йиллари ҳамда уларнинг марказлари

	Ташкил топган йил	Вилоят ва туман, шахарлар марказлари	Ер майдони, минг.кв.км
--	----------------------	--	---------------------------

Навоий вилояти	27.01.1992 й.	Навоий ш.	111,1
----------------	---------------	-----------	-------

*шахарлар:*

Навоий	1958 й	Навоий ш	0,06
Зарафшон	1972 й	Зарафшон ш.	0,02

*туманлар:*

Кармана	09.09.1926 й	Кармана ш-ча.	0,94
Конимех	29.12.1965 й	Конимех ш-ча.	9,25
Қизилтепа	07.12.1970 й	Қизилтепа ш.	2,19
Навбахор	12.03.1980 й	Бешработ қ.а.п.	1,57
Нурота	29.09.1926 й	Нурота ш.	6,53
Томди	03.07.1927 й	Томдибулоқ ш-ча.	42,49
Учқудук	25.03.1982 й	Учқудук ш.	46,63
Хатирчи	03.12.1964 й	Янгиработ ш.	1,42


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1000,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 3484 кишига ёки 0,4 фоизга кўпайди.

**Доимий аҳоли сони<sup>1)</sup>**  
**(2020 йил 1 апрель ҳолатига бирликда)**

	Жами аҳоли	шу жумладан:		1 км кв га тўғри келадиганлар сони
		шахар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
<b>Жами</b>	<b>1 000 584</b>	<b>489 352</b>	<b>511 232</b>	<b>9,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	144 568	144 568	-	2410,0
Зарафшон	84 092	84 092	-	4205,0
<i>туманлар:</i>				
Кармана	126 344	41 829	84 515	134,4
Конимех	35 755	16 253	19 502	3,9
Қизилтепа	152 131	48 411	103 720	69,5
Навбахор	113 104	16 216	96 888	72,0
Нурота	92 770	54 999	37 771	14,2
Томди	14 841	4 725	10 116	0,3
Учқудук	37 298	32 674	4 624	0,8
Хатирчи	199 681	45 585	154 096	140,6

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Доимий ахоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши, % да**  
**(2020 йил 1 апрель ҳолатига)**




**Ахолининг табиий ҳаракати 2020 йил январь-март ойларида**

	киши			ҳар 1000 аҳолига нисбатан	
	2019	2020 <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2019	2020 <sup>1)</sup>
Туғилганлар	4250	4584	334	17,6	18,5
Ўлганлар	998	1061	63	4,1	4,3
Табиий ўсиш	3252	3523	271	13,5	14,2
Никоҳлар	1223	1178	-45	5,1	4,7
Ажралишлар	223	270	47	0,9	1,1

<sup>1)</sup>дастлабки маълумот

## Хар 1000 аҳолига нисбатан табиий ҳаракати



**Туғилиш даражаси.** 2020 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 4584 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (4250 киши) нисбатан 334 тага ошган. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,5 промиллени ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига 0,9 промиллега ошганлигини (2019 йилнинг январь-март ойларида 17,6 промилле бўлган) кўрсатмоқда.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навоий шаҳрида (18,2 дан 19,3 промиллега), Зарафшон шаҳрида (17,2 дан 18,7 промиллега), Конимех (16,9 дан 18,7 промиллега), Қизилтепа (15,3 дан 17,1 промиллега), Нурота (16,4 дан 17,8 промиллега), Томди (7,3 дан 18,0 промиллега), Хатирчи (19,2 дан 20,3 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Кармана (18,6 дан 17,9 промиллега), Навбаҳор (17,5 дан 16,6 промиллега), Учқудук (21,3 дан 19,1 промиллега) туманларида камайганилиги кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2020 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 1061 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (998 киши) нисбатан 63 тага ошди. Ўлим коэффициенти мос равишда 4,3 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-мартида 4,1 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Навоий шаҳрида (4,3 дан 4,5 промиллега), Зарафшон шаҳрида (2,8 дан 3,4 промиллега), Конимех туманида (5,0 дан 5,1 промиллега), Кармана туманида (4,2 дан 5,0 промиллега), Қизилтепа туманида (3,7 дан 4,2 промиллега), Томди туманида (3,1 дан 3,5 промиллега) кўпайгани кузатилди.


Ўлганлар даражаси вилоятнинг 2019 йилнинг шу даврига нисбатан Навбаҳор туманида (4,5 дан 4,1 промиллега), Нурота (4,8 дан 4,4 промиллега), Учқудук (4,4 дан 3,9 промиллега), Хатирчи туманида (4,2 дан 4,1 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 66,5 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,7 фоизи - ўсма касалликларидан, 4,4 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 2,7 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,9 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 1,4 фоизи юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 10,7 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга қўра, 2020 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 37 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 6,6 промиллени ташкил қилди (2019 йилнинг январь-мартида 6,0 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 62,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 18,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 16,2 фоизи – туғма аномалиялардан ҳамда 2,7 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

## Касалликлар турлари бўйича ўлганларнинг умумий сонидаги улуси, % да



## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони (Январь-март ойларида, бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>
Жами	1223	1178	223	270

шаҳарлар:

Навоий	197	178	55	61
Зарафшон	100	93	17	31


<sup>1)</sup>дастлабки маълумот

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>


*туманлар:*

Кармана	168	174	26	52
Конимех	39	46	11	9
Қизилтепа	207	197	28	26
Навбаҳор	105	120	18	27
Нурота	81	87	10	13
Томди	15	15	1	1
Учқудук	41	42	18	4
Хатирчи	270	226	39	46

**Вилоят бўйича тузилган никоҳларда ҳудудларнинг улуси, % да**



## Вилоят бўйича никоҳдан ажралишларда ҳудудларнинг улуши, % да



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 1178 та никоҳлар ва 270 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 4,7 промиллега никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида – 5,1 промиллега) ва 1,1 промиллега ажралишлар (2019 йилнинг тегишли даврида – 0,9 промиллега) тўғри келди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Кармана (5,3 дан 5,5 промиллега), Конимех (4,5 дан 5,2 промиллега), Навбаҳор (3,8 дан 4,3 промиллега), Нурота (3,6 дан 3,8 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Навоий шаҳар (5,9 дан 5,0 промиллега), Зарафшон шаҳар (4,9 дан 4,5 промиллега), Қизилтепа (5,6 дан 5,2 промиллега), Томди (4,2 дан 4,1 промиллега), Хатирчи (5,6 дан 4,6 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Навоий шаҳар (1,6 дан 1,7 промиллега), Зарафшон шаҳар (0,8 дан 1,5 промиллега), Навбаҳор (0,7 дан 1,0 промиллега), Кармана (0,8 дан 1,7 промиллега), Нурота (0,4 дан 0,6 промиллега), Хатирчи (0,8 дан 0,9 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Нигохдан ажралганлар вилоятнинг Конимех (1,3 дан 1,0 промиллега), Қизилтепа (0,8 дан 0,7 промиллега), Учқудук (2,0 дан 0,4 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари  
(Январь-март ойларида 1000 аҳоли сонига)**

	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>
<b>Жами</b>	<b>17,6</b>	<b>18,5</b>	<b>4,1</b>	<b>4,3</b>	<b>13,5</b>	<b>14,2</b>

*шаҳарлар:*


Навоий	18,2	19,3	4,3	4,5	13,9	14,8
Зарафшон	17,2	18,7	2,8	3,4	14,4	15,3

*туманлар:*

Кармана	18,6	17,9	4,2	5,0	14,4	12,9
Конимех	16,9	18,7	5,0	5,1	11,9	13,6
Қизилтепа	15,3	17,1	3,7	4,2	11,6	12,9
Навбаҳор	17,5	16,6	4,5	4,1	13,0	12,5
Хурота	16,4	17,8	4,8	4,4	11,6	13,4
Томди	7,3	18,0	3,1	3,5	4,2	14,5
Учқудук	21,3	19,1	4,4	3,9	16,9	15,2
Хатирчи	19,2	20,3	4,2	4,1	15,0	16,2

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Аҳолининг табиий ҳаракати 2020 йил январь-мартда**  
*(Ҳар 1000 аҳолига)*



**Вилоят бўйича кучиб келганлар ва кучиб кетганлар сони**  
*(Январь-март ойларида бирлик)*

	Кучиб келганлар		Кучиб кетганлар		Миграция сальдоси	
	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>
<b>Жами</b>	<b>2706</b>	<b>2418</b>	<b>2865</b>	<b>2457</b>	<b>-159</b>	<b>-39</b>

*шаҳарлар:*

Навоий	630	849	896	666	-266	-183
Зарафшон	362	343	416	385	-54	-42


*туманлар:*

Кармана	617	329	223	270	394	59
Конимек	84	171	101	108	-17	63


<sup>1)</sup>дастлабки маълумот

	Кучиб келгандар		Кучиб кетгандар		Миграция сальдоси	
	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>	2019	2020 <sup>1)</sup>
Кизилтепа	173	131	164	197	9	-66
Навбаҳор	203	122	202	200	1	-78
Нурота	122	69	114	132	8	-63
Томди	120	156	64	43	56	113
Учқудук	120	89	272	166	-152	-77
Хатирчи	275	159	413	290	-138	-131

**Вилоят бўйича кўчиб келганлар сони**  
*(Январь-март ойларида бирлик)*



**Вилоят бўйича қўчиб кетганлар сони**  
(Январь-март ойларида бирлик)



**Миграция.** Дастраси маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича қўчиб келганлар сони 2418 кишини, шу давр мобайнида қўчиб кетганлар сони эса 2457 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 39 кишига (2019 йилнинг шу даврида манфий 159 киши) тенг бўлди.

Вилоят худудида миграция қолдиғи Зарафшон шаҳрида (манфий 42), Қизилтепа (манфий 66), Навбаҳор (манфий 78), Нурота (манфий 63), Учкудуқ (манфий 77), Хатирчи (манфий 131) туманларида камайиш кузатилди.

Вилоят худудида миграция қолдиғи Навоий шаҳрида (83 кишига), Кармана (59 кишига), Конимех (63 кишига), Томди (113 кишига) туманларида ошгани кузатилди.

### XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Иш ҳақи.** 2020 йил январь-март ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таҳлили кўйидагиларни кўрсатмоқда. Вилоятда ўртacha ойлик иш ҳақи 3 283,7 минг сўмни ташкил этган ҳолда, ўртacha ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Учқудуқ туманида 4 668,8 минг сўмни (вилоят ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан 142,2 фоиз),

Зарафшон шаҳрида 4 406,7 минг сўмни (134,2 фоиз) ташкил этган бўлса, Қизилтепа туманида 1 732,0 минг сўмни (52,7 фоиз), Хатирчи туманида 1 774,8 минг сўмни (54,0 фоиз), Навбахор туманида 1 878,6 (57,2) Нурота туманида 2 022,7 минг сўмни (62,0 фоиз) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи\* (минг сўмда)**


	2019 йил	2020 йил	2019 йил январь-мартга нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>2 806,3</b>	<b>3 283,7</b>	<b>117,0</b>
Навоий ш.	2 652,8	3 485,7	131,4
Зарафшон ш	3 333,9	4 406,7	132,2
Кармана	1 879,6	2 384,2	126,8
Конимех	1 655,9	2 850,5	172,1
Қизилтепа	1 382,3	1 732,0	125,3
Навбаҳор	1 658,1	1 878,6	113,3

	2019 йил	2020 йил	2019 йил январь-мартга нисбатан, % да
Нурота	1 598,9	2 022,7	126,5
Томди	1 731,3	2 176,7	125,7
Учкудуқ	3 399,2	4 668,8	137,3
Хатирчи	1 488,3	1 774,8	119,3

\*)*Қайта ҳисобланган, кичик тадбиркорлик ва қишилоқ хұжалиги корхоналарысиз.*

2020 йил январь-март ойларида Навоий вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 117,0 % ни ташкил этиб, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори суръатлари Конимек тумани 172,1 %, Зарафшон шахри 132,2 %, Навоий шахри 131,4 %, Кармана тумани 126,8 %, Нурота тумани 126,5 %, Томди тумани 125,7 %, Қызылтепа тумани 125,3 % ва Хатирчи туманида 119,3 % га үсгани кузатилди.

#### **Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (2019 йил январь-мартга нисбатан, % да)**




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача  
ойлик номинал ҳисобланган иш хақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Январь-март		Вилоятдаги ўртача оийлик иш ҳақига нисбатан, % да	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Жами вилоят бўйича:</b>	<b>2 806,3</b>	<b>3 283,7</b>	<b>132,4</b>	<b>117,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>				
Саноат	3 446,1	4 379,9	122,8	133,4
Курилиш	3 088,8	4 014,9	110,1	122,3
Савдо	1 944,9	2 464,3	69,3	75,0
Ташиб ва сақлаш	1 656,1	2 056,4	59,0	62,6
Ахборот ва алоқа	1 849,8	2 376,7	55,9	72,4
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	3 379,2	5 566,1	120,4	169,5
Таълим	1 733,7	2 099,0	61,8	63,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш	1 841,1	1 855,6	65,6	56,5
Бошқа фаолият турлари	1 996,8	2 599,1	71,2	79,2

## Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик

номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2020 йил январь-март, вилоятдаги ўртача ойлик иши ҳақига нисбатан, % да)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи улуси жами иқтисодий фаолият турларига нисбатан молия ва сүгурта фаолиятида (169,5 %), саноатда (133,4 %), қурилишда (122,3 %), савдода (75,0 %), Ахборот ва алоқада (72,4 %), Таълимда (63,9 %), Ташин ва сақлаш (62,6 %), Соғликини сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда (56,5 %) ва бошқа йўналишлар (79,2 %) соҳалари хиссасига тўғри келди.